

**16.ОСА. - сон билан  
рўйхатга олинган**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”  
ЎЗИҚМК” АЖ Акциядорларининг йиллик  
умумий йиғилиши қарори билан  
29.05.2023й**

**“ЎЗБЕКИСТОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ  
(янги таҳрирда)**

**Тошкент ш. – 2023 й.**

**МУНДАРИЖА:**

|   |   |
|---|---|
| I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....   | 3 |
| II. БОШ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА УНИНГ<br>ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ ..... | 3 |
| III. ЖАМИЯТ БОШ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА<br>МАЖБУРИЯТЛАРИ.....                     | 4 |
| IV. ЖАМИЯТ БОШ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.....                                       | 6 |

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” Акциядорлик жамияти (бундан буён матнда – “Жамият”) Ижроия органи мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик якка Ижроия органи – Бош ижрочи директор томонидан амалга оширилади, унинг ваколатлари Жамият Устави ва мазкур Низом билан белгиланади.

1.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан Жамият Ижроия органи ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) топширилиши мумкин. Тузиладиган шартнома шартлари, Жамият Уставига асосан Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

1.4. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишининг 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **II. БОШ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

2.1. Жамиятнинг Бош ижрочи директори Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан уч йил муддатга сайланади (тайинланади).

2.2. Жамият Уставига мувофиқ ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши, ёхуд Жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан Жамиятнинг Бош ижрочи директорини тайинланиши, одатда, танлов орқали саралаш асосида амалга оширилади, бунда ҳорижий менежерлар иштирок этишлари мумкин.

2.3. Жамият Бош ижрочи директори лавозимига номзод Жамиятга унинг жинсий жавобгарликка тортилганлиги ҳолати тўғрисида маълум қилиши шарт.

2.4. Жамият Бош ижрочи директорини сайлаш (тайинлаш) бўйича Жамият Кузатув кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овозлари (оддий кўпчилик) билан қабул қилинади.

2.5. Кузатув кенгаши Бош ижрочи директор билан уч йил муддатга шартнома тузади ва ҳар йили унинг ваколат муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилади. Шартнома Кузатув кенгаши раиси ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколат берган бошқа аъзо томонидан имзоланади. Шартнома, шу жумладан, Бош ижрочи директорнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш, жамиятнинг бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш ва бошқарувнинг йиллик ҳисоботларини акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиш даврийлигини ўз ичига олиши керак.

2.6. Бош ижрочи директор ўз меҳнат шартномасида кўрсатилган қатъий белгиланган асосий иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга. Асосий иш ҳақи миқдори Бош ижрочи директор билан келишилган ҳолда Кузатув кенгашининг қарорига кўра қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2.7. Бош ижрочи директор асосий иш ҳақига қўшимча равишда йил якунлари бўйича, шу жумладан Жамият фаолиятининг СМК ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

2.8. Жамият Бош ижрочи директорига тўланадиган пул мукофотлари миқдори Жамият фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади.

2.9. Агар Бош ижрочи директор Жамият Устави ёки шартнома шартларини кўпол равишда бузган бўлса, Кузатув кенгаши у билан тузилган шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли.

2.10. Кузатув кенгашининг Бош ижрочи директор билан тузилган шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги қарори мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.11. Кузатув кенгаши Жамият Бош ижрочи директорни ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, Жамият Бош ижрочи директор ваколатларини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги масала ўша мажлисда ҳал қилиниши ёки Кузатув кенгаши Бош ижрочи директорни вақтинчалик тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишни бошқа мажлисда қолдирилиши мумкин.

### **III. ЖАМИЯТ БОШ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Жамият Бош ижрочи директорни ваколатларига Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликнинг барча масалалари тегишлидир, Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамият Бош ижрочи директорни қонун ҳужжатлари, Жамият Устави, мазкур Низом, Жамият Бош ижрочи директорни билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгашининг қарорларида белгиланадиган ваколатлар доирасида фаолият юритади.

3.3. Жамият Бош ижрочи директорни ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамият номидан ишончномасиз фаолият юритиш, давлат муассасаларида, мулкка эгалик шаклидан қатъи назар барча ташкилот ва корхоналарда Жамият манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақларини очиш;
- Жамият ҳамкорлари, шунингдек бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан битимлар тузиш ҳамда шартномаларни (контрактларни) имзолаш;
- Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамият мулки ва пул маблағларини тассарруф этиш;
- ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;
- ўз ваколатлари доирасида ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, фаолиятлари самарадорлигини баҳолаш, уларга нисбатан маъмурий жазолар қўллаш, меҳнат ва ижрочилик интизомига риоя қилинишини таъминлаш;
- Кузатув кенгаши қошидаги Номзодлик ва мукофотлаш қўмитаси билан биргаликда Жамият Корпоратив маслаҳатчиси фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, самарадорлик кўрсаткичлари асосида меҳнатга ҳақ (барча турдаги мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалар ва меҳнат иштироки коэффицентлари) тўланишини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ, Жамият ходимларига меҳнатга ҳақ (барча турдаги

мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалар ва меҳнат иштироки коэффицентлари) тўланишини белгилаш;

- Жамият таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомлар ва Жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият номидан ишончномалар бериш;
- Жамият бизнес-рисклари ва Ижроия органи жавобгарлигини суғурталанишини амалга ошириш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан ижро учун буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Жамият ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, тасдиқланиши Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;
- Қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

#### 3.4. Жамият Бош ижрочи директорининг вазифалари:

- Жамиятнинг жорий фаолиятига унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда раҳбарликни амалга ошириш, Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилот ва корхоналарда Жамият манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорлари ижро этилишини ташкиллаштириш;
- Жамият таркибий бўлинмаларининг самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
- Жамиятнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, улар ижросини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;
- Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши таъминлаш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкиллаштирилиши, тегишлича ҳолати ва шубҳасиз тўғрилигини таъминлаш, йиллик ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботларни, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва бошқа маълумот олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим қилиш;
- йилнинг ҳар чорагида Кузатув кенгаши олдида йиллик бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот бериш;
- Кузатув кенгаши ёки Жамият ички аудит хизмати талабига кўра, Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тўсқинликсиз тақдим қилиш;
- назорат органларига давлат статистик ҳисоботлари тўлиқ ва ўз вақтида тақдим қилинишини таъминлаш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ўз ичига олган ахборотни сақлаш, бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмайдиган ҳолатлар бундан мустасно. Жамиятнинг тижорат сирларига тегишли маълумотлар рўйхати Жамият Ижроия органи томонидан белгиланади;
- Жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини ўз ичига олган ахборот сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билимлари, малакалари, тажриба ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

- Одоб-аҳлоқ кодексига риоя этишни таъминлаш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий суғурталаниши ва меҳнатини муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;
- ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок қилиш орқали ўз малакаси, шунингдек Жамият ходимлари малакалари оширилишини таъминлаш;
- жамоа музокараларида иштирок қилиш, жамоа шартномалари ва битимларни тузишда Иш берувчи сифатида қатнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ўз ваколатига тегишли ишлар ҳолати тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;
- акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотни олиш, Акциядорлар умумий йиғилишларида иштирок қилиш, дивидендлар ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- Жамият томонидан битимлар тузишда унинг аффилланганлиги тўғрисида (ҳолатида) Жамият Кузатув кенгашини хабардор қилиш;
- амалдаги қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

3.5. Жамиятнинг муайян ҳуқуқлари ва вазифалари у билан тузилган шартномада белгиланади.

3.6. Жамият Бош ижрочи директори функцияларининг бошқа ташкилотлар бошқарув органларидаги лавозим билан бирга бажарилиши фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

#### **IV. ЖАМИЯТ БОШ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Жамият Бош ижрочи директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз вазифаларини бажаришда Жамият манфаатлари доирасида ҳаракат қилиши ва белгиланган тартибда жавобгар бўлиши керак.

4.2. Жамият Бош ижрочи директорининг ушбу лавозимда ишлаш даврида Жамият фаолиятини юритишида муаммоларни (қийинчиликларни) юзага келтирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки улар таъсис этилишида иштирок қилишга ҳақли эмас. Жамият Бош ижрочи директори Жамиятда лавозимга тайинланганида бундай корхоналарда ўз иштирокини тўхтатиши ва ушбу иштирокни тўхтатиш тўғрисида Жамият Кузатув кенгашини хабардор қилиши шарт.

4.3. Жамият ёки жойлаштирилган Жамият акцияларининг энг камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарлар ўрнини қоплаши тўғрисида Жамият Бош ижрочи директори устидан даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

4.4. Агар жамиятнинг Ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Жамиятга қасддан зарар етказилган бўлса ва бунда Жамият директорининг ёки бошқарув аъзоларининг ёхуд ишончли бошқарувчининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

4.5. Бош ижрочи директор унга карши бўлиши мумкин бўлган даъволар ва мажбуриятларни қоплашда Кузатув кенгаши ва Ижроия органи жавобгарлиги суғуртасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4.6. Мазкур Низом кучга кириши билан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ Акциядорлар умумий йиғилишининг 2020 йил 25 майдаги ва 2022 йил 29 июндаги қарори билан тасдиқланган билан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖнинг Ижроия органи тўғрисидаги Низом” ва унга киритилган барча ўзгартиришлар ўз кучини йўқотади.